

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ХУНАММАНДЧИЛИГИ ҲАҚИДА БИЛАСИЗМИ?

Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейининг
катта илмий ходими, "Шухрат медали соҳибаси"

Зулфия Комилова

Анотация- Ўзбек халқида азалдан қадимий мерос бўлиб келган миллий хунармандчилигига бўлган эътиборлари давомий бўлиб келади. Ибтидоий жамоа давридан токи ҳозирги фан-техника равнақ топган кунгача ота-боболаримизнинг қадимий миллий хунармандчиликлари усули ҳозирги хунармандчиликларда қўлланиши асос бўлиб келаётгани асло сир эмас. Жумладан: кулолчилик, ёғоч ўймакорлиги, мискарлик, заргарлик, косиб-чилик, кўнчилик, рихтагарлик, совунгарлик, каштачилик, тикувчилик, гилам-тўққиш, кигизчилик, пичоқчилик, темирчилик каби турли азалий хунарларнинг қадимий ва замонавий наъмуналари дунё бозорларига чиқарилмоқда. Ушбу мақола муаллифи томонидан юқорида кўрсатиб ўтилган миллий хунармандчилигимиз тўғрисидаги илмий асосланган манбаалар ёритиб берилган. Бундай маълумотлар бачамизнинг кундалик ҳаётимизда учрайдиган фаолиятларда доимо даркордир.

Тарихий манбааларга таянадиган бўлсак, барча хунармандчилик турларининг илк асослари инсон пайдо бўлган даврдан бошлаб табиат билан ҳамоҳангликда вужудга келганлигини англашимиз мумкин. Юқорида такидлаб ўтган хунармандчиликларимизнинг ўз тарихи ва усуллари бор. Масалан "Кулолчилик" хунармандчилигини олайлик. Бу хунар турига ибтидоий жамоа давридаёқ асос солинган бўлиб, асосан табиий лойдан буюм ясашдир. Дастлабки буюмлар оддий кўринишда бўлган ва вақтлар ўтиб инсоният томонидан мукаммаллаштирилган. Лойдан буюм яшанинг янги усуллари, ясалган буюмга табиий гиёҳлар барги ёрдамида ранг бериш, оловда пишириб олиш, оловли хумдонлар, безак бериш кабилар ихтиро этилиб борилган. Кулолчиликнинг асосий хом ашёси лой ва ишқуроли кулолчилик дасгоҳи бўлган. Бу хунарни тури билан дастлаб аёллар

шуғулланганлар ва кейинчалик дасгоҳлар ихтиро этилгач, эркаклар ҳам бу ҳунарга жалб этилган. Яна бир қадимий ҳунармандчилик тури бу косибчилик ҳунаридир. Косибчилик билан ҳамоҳанг равишда Ўрта Осиё мамлакатлари орасида “Кўнчилик” ҳунармандчилиги ҳам шаклланиб борди. Кўнчиликда асосан қадимдан ҳайвон териларидан чарм ҳам ашёсини таёрлаш ишлари божарилган. Кўнчи томонидан терини махсус чуқурларда туз ёрдамида “Ошлаш” яъни терини пишириш ишлари амалга оширилиб бораган эди. Бу усул ҳозирги кунда ҳам кўнчиликда баъзи элементлари сақланиб қолганини кўрамиз. Дастлабки ибтидоий жамоа даври оёқ кийимлари дарахт пўстлоғларидан ва ҳайвон овидан қолган терилардан оддий усулда таёрланган. Булар фақат табиат инжиқларидан инсон оёқларини сақлашга қаратилган илк уринишлар эди. Кейинчалик вақтлар ўтиб тайёр бўлган теридан косибларимиз томонидан турли хилдаги эркаклар, аёллар, болалар учун турли чармдан оёқ кийимлар таёрланиб келинган. Сопол буюмлар ясаш токи мис ва метал конлари топилгунга қадар давом этади. Маҳаллий аҳолида сақланиб қолган мис буюмларга назар ташласак, уларнинг дастлабкилари оддий, нақш солинмаган кўринишда бўлганини кузатамиз. Жез давридан бизгача етиб келган, эритиш-қуйма усулларидаги мис буюмларимиз ҳозирда санъат даражасидаги кўринишга етиб келди. Мис ҳунармандлари орасида бу ҳунарнинг “Рихтагар” усталари ҳам бўлиб, улар томонидан рангли металллар мис, бронза, қалай кабиларга боғалаш усуллари билан безаклар беришган. Ҳунарлар орасида темирчилик ҳунари билан бирга пичоқчилик ҳунарини шаклланиши буюмлар ишлаб чиқаришда таъсири катта бўлган. Инсоният томонидан металллар конлари топилган даврдан бошлаб темирчилик ҳунармандчилиги ҳам шаклланиб борди. Илк тош қуроллар ва суякдан таёрланилган меҳнат қуролларини ўрнини темирчилик буюмлари эгаллай бошлайди. Темирчилар томонидан турли хилдаги кўринишдаги метал иш қуроллари, кетмонлар, кураклар, михлар, ер ҳайдаш оочларининг тиғлари, жодулар, қозонлар, ўчоқлар таёрланиб келган. Қадимда бу ҳунар тури баъзи жойларда “дегрелик” яъни “Қозон қуйиш” ёки қозончи, Хоразим ва Бухорода “Позачи” ёки “Позагар” яъни ооч тиғи қуювчи дед аталиб келинган эди. Темирчилик

хунармандчилиги таркибидаги дехрезлик хунармандлари одатда турли ҳажмдаги кўринишдаги қозонлар, тиғ, чой идиш, обдаста, аспак, шамдон, манхалдон, корачирок, арава учун ўқлар, халқа жувоз кабиларни турли табиий металллардан таёрлаганлар. Қадимда сиёсий тузум таъсирида жанглар учун чўян замбараклар, қурол-аслаҳалар ҳам темирчилар устахоналарида таёрланган эди.

Темирчилик асбоблари; қолиплар, чорчўп, чарх, белкурак, исканжа, лавгир, латтош, товонча, сихча, таганак, тарнов, чанок, чанағамбир, чўян чўмич каби номлар билан аталган.

Бу хунарга ҳамоҳанг равишда пичоқчиликка ҳам асос солинган. Табиий металлларни темирчилар томонидан буюмларга айлантирилган бўлса, пичоқ ясовчилар ҳам металллардан санъат даражасидаги пичоқлари билан дунёда машхур бўлмоқдалар. Биламизки ўзбек хонадонларида уй-рўзғор буюмлари ҳисобланган: сопол ва чинни ошхона буюмлари қаторида қамишдан таёрла-нилган тушамаларга, кегизлар, кейинчалик гиламларнинг ҳам зарурати туғилган. Дастлаб хонадонларга ҳайвон юнгидан махсус таёрларган кегизлар тушалган эди. Кегиз таёрлаш хунари қадимий бўлиб, юнгни тозалаш ишларида ишқорлардан фойдаланилган. Тозаланган юнглари бостириш усулида кегиз таёрланган. Кейинчалик рангли кегизлар таёрлана бошлайди. Чорвачилик ривожланиб, хунармандларимиз томонидан юнгдан ип йигириш ихтиро этилгач, гиламчилик хунарига асос солинади. Йигириб таёрланган иплар бўяб олингач, махсус дасгоҳда гилам тўқила бошланган. Бу хунармандлар томонидан ипни ўсимликларни, яъни пахта толасидан, тут толаси, кўй, эчки, туя юнги толаларидан олганлар. Кигизчилик асосан чорвачилик ривожланган ҳудуд маҳаллий аҳолиси томонидан шакиллантириб борилганини кузатамиз. Ўрта Осиё ва Қозоғистон, ШУ жумладан олганда кегизчиликда Ўзбекистоннинг ҳудудларида яъни Сурхондарё, Қорақалпоғистон, Ҳоразм, Фарғона водийсида кигизнинг гулдор, ифодалиранг-баранг нақлардан иборат турлари таёрланиб келган. Ҳозирги кунда қадимий усулда таёрланадиган кегизлар уйлар томларига ёпғич сифатида ишлатилмоқда. Замонавий

гиламчиликка мурожат этадиган бўлсак,гилам нақшларида табиат манзараларини,совға учун тайёрланилган гиламларида таниқли шахслар сиймоларини кўришимиз мумкин.Кўсатиб ўтилган миллий ва қадимий ҳунармандчилик турлари қаторида каштадўзлик ҳунари ҳам давомийлиги билан дунё мамлакатлари саёҳатчиларини доимо лол қолдирмоқда.Каштадўзлик кашта тикиш касби бўлиб,ҳозирда амалий санъатнинг қадимги соҳалари қаторидан ўрин олган.Архиологик тадқиқотлар натижаларига кўра барча халқларда кашта тикиш жуда қадимдан мавжуд экани аниқланган.Бу ҳунар тури барча халқларда иқлими,табиий шароити,халқ маданияти,санъати,касб-ҳунарлари таъсирида шакилланиб келган.Асирлар давомида тошдан суяк бегизларга,кейинчалик метал бегизларга ўтиш билан,шу билан бирга тўқиш,мато тўқиш,бўяш каби юмушлар билан ушбу каштадўзлик ҳунари такомуллашиб борган.Дастлабки кашталар қўл меҳнатига асосланган бўлсада,асирлар ўтиб ,аниқроғи 19-асрга келиб кашта тикиш машинкалари кириб келиши Ўрта Осиё каштачилиги мактабларини пайдо этди.Дунё бозорларидаги каштачилик наъмуналари орасида;Бухоро,Самарқанд,Шахрисабиз ва шунингдек водий кашталарини ўрни сезиларли даражада қадирланади.Қўл меҳнати асосида яратилган сўзаналаримиз қадимий каштачилик наъмуналари ҳисобланади.Миллий ҳунармандчилигимизнинг барча турлари қаторида ўзбек миллий кийимлари таёрловчи тикувчиларни ўзига ҳослиги билан ажралиб туради.Барча миллатлар каби кийим инсоннинг танасини ташқи муҳит таъсиридан,об-ҳаво ўргаришларидан сақлаш билан бирга кийим инсонлар маъданиятини,урф-одатларини,миллийлигини,одоб-ахлоқини намоён этувчи воситадир.Тари-хий манбааларга кўра милоддан аввал 1-минг йилликлардан бошлаб скиф-сармат қабилаларининг эркак ва аёлларида либослар кийиш турлари урфга кира бошланганини билдирилган.Шунингдек ўзбек миллий либослари Ўзбекистон худудида маҳаллий кийим қадимдан иқлим,турмуш шароитлари ва уруғ-қабиланъаналари асосида шакилланиб келган.Республикамизнинг турли тарихий археологик марказларидан топилган ёдгорликларда,деворий расмларда,қўлёзма китобларда ўзбек миллий кийимининг бой тарихини кузатишимиз мумкин.Ўзбек

халқи кийимлари: маросим кийимларидан, никоҳ тўйи кийимларидан, иш кийимларидан, касбий кийимлардан, ёшга доид кийимлардан иборат. Бундай кийимлар асрлар ўтиб, шакилланиб, ўзининг кўринишига янги кўринишлари билан такомудлашиб бормоқда. Лекин шуни ҳам такидлашимиз даркорки, ўзбек миллий кийимларидан ҳисобланган адрас, атлас, беқасам, шойи, ҳарин каби каби қадимдан урф бўлган кийимлар ўрнини бошқа кийимлар боса олмаслигини биз яхши биламиз. Аёлларнинг қадимдан давом этиб келаётган каштачилик ҳунарлари кийимларимизда ўз аксини топган. Миллий кашталар, сўзаналар нақшларининг қадимий усллари миллий кийимларнинг асосий беагидир. Шу ўринда каштачилик тарихига назар ташлайдиган бўлсак, бу амалий санъатнинг қадимги соҳаларидан ҳисобланиб, қадимги Осиё, Европа, Америка маданиятлари ёдгорликларида, адабий манбааларда қадимий каста тасвирлари учрайди. Масалан мелодий 11-асрга оид инглизларнинг кашталарида жанг тасвирлари мавжуд. 12-асрга оид рус кашталарида эса Византия икона санъати тасвирлари мавжуд. 14-асрга келиб Хитой кашталарида “Сюхуа” номи билан танилган кашта наъмуналарини кўришимиз мумкин. Ибтидоий жамоа давриданок бошқа ҳунарлар қаторида заргарликнинг кўринишидаги ҳунармандчилигига ҳам асос солинган. Дастлабки тақинчоқлар оддий табиий тешиклари мавжуд тошлар ва суяқлар тизимлари бўлган. Асрлар ўтиб инсон гўзалликка интили боис заргарлик шакилланиб боради ва табиий металллардан тақинчоқлар ихтиро этилади. Музейларимиз жамланмаларида сақланаётган архиологик экспонатларимизда Қадимги Миср, Юнонистон, Эрон, Хитой заргарлари зийнат буюмларини таёрлашда маржон, нефрит, қаҳрабо кабилардан безак сифатида фойдаланилганини кўрамыз. Ўзбекистон Республикасининг кўплаб музейлари жамланмаларидаги экспонатлар республика ҳудудида яъни қадимий Юнон-Бақтрия подшолиги, миллоддан аввалги 3-2аср; Қадимги Хоразм, миллоддан аввал 1-минг йилликдан миллодий 8-асргача бўлган давр-ларга оид заргарликдаги буюмларнинг кўплаб наъмуналари бу заргарлик ҳунармандчилигининг бошқа ҳунармандчиликлар билан тенг равишда ўсиб борганидан дарак беради. Охириги мустақилликка эришган йилларимиз давомида заргарлик саъноати корхоналари Ўзбекистон Республикаси

Молия вазирлигининг Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар қумитаси ҳузуридаги “Фонон”илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси таркибида фаолият кўрсатиб келишмоқда.Шу билан бирга чет мамлакатлари билан қўшма корхоналар таркиб топмоқда.Ўзбекистонлик ҳунармандлар ҳар йили анъана-вий “Наврўз” байрамлари ва Мустақиллик байрамлари муносабати билан ўтказиб келинаётган кўрик танловларда ўзларининг ижод миллий ҳунарман-чилик наъмуналари билан қатнашиб келмоқдалар.Бунга ҳамоҳанг равишда дунёнинг кўплаб мамлакатларидаги ўтказиладиган фестиваллар ва турли тадбирларда тадбирларда ўзбек миллий ҳунармандчилигининг нодир турлари билан қатнашиб,отабоболаримиз меросини бошқа халқлар орасида танитмоқдалар.Ҳар биримиз ўзбек миллий ҳунармандчилиги тарихини,қа-димий ва замонавий наъмуналарини омиллари манбааларидан ҳабардор бўлишимиз ватан олдидаги бурчларимиздандир.

Адабиётлар

- 1.”Ўзбекистон ҳунармандчилиги ва амалий санъати” энциклопедияси. Тошкент-2016 йил нашри.
- 2.”Санъат”-Ўзбекистон бадиий академияси журнали-2018-2019-йил сонлари.
- 3.”Мозийдан садо”-илмий-амалий,маънавий-маърифий журнал-2023-2024й.
- 4.”Маънавий ҳаёт”-тарихий-фалсафий,маънавий-маърифий журнал-2023 й.